


## 2020 йил 1 октябрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг ижроси

2020 йил 9 ойида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари **94,5 трлн. сўмни** ташкил этди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **15,3 трлн. сўмга** кўп маблағлар ундирилди.



\*) ҚҚС қопланишини ҳисобга олганда

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқ ва божхона тушумлари ҳисобига шаклланади. Бунда, солиқдан ташқари манбаларнинг улуши кўпаймоқда, бу энг аввало давлат улуши бўйича дивидендлар (фойданинг бир қисми) тушуми ошиши билан боғлиқ.


2020 йил 1 октябрь ҳолатига солиқ тушумлари **77,3 трлн. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таққослаганда **16,6 трлн. сўмга** (15 %) ошган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми қуйидаги солиқлар ҳисобига шаклланди: ҚҚС - **22,3 трлн. сўм** (жами даромадларнинг 23,6%), фойда солиғи - **19,4 трлн. сўм** (20,6%), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи - **11,0 трлн. сўм** (11,6%), ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ - **12,0 трлн. сўм** (12,7%) ва акциз солиғи - **8,6 трлн. сўм** (9,1%).

Бунда йирик солиқ тўловчилар улушига қарийб **48,2 трлн. сўм** солиқ тушумлари ёки солиқ органлари томонидан маъмурийлаштирилладиган барча даромадларнинг **66,3 фоизи** тўғри келди.

Божхона тўловлари бўйича тушум жорий йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг мос даврига таққослаганда **4,9 трлн. сўмга** кўпайиб **16,2 трлн. сўмни** ташкил қилди (*ўсиш 1,4 баробар*).

Бунда божхона тушумлари қуйидагича тақсимланади: қўшилган қиймат солиғи - **13 трлн. сўм**, божхона божи - **2,2 трлн. сўм**. акциз солиғи - **0,6 трлн. сўм**.



### Қўшилган қиймат солиғи



Жорий йил январь-сентябрь ойлари учун қўшилган қиймат солиғининг йиғилган суммаси **26,8 трлн. сўмни** (қоплаш суммасини ҳисобга олмаганда), ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,6 трлн. сўм** кўпни ташкил этди. Бунда 2020 йил январь-сентябрь ойлари учун қоплаш суммаси чегирилганда тушумлар **22,3 трлн. сўмни** ташкил этиб (солиқ органлари томонидан **9,3 трлн. сўм**, божхона органлари томонидан **13,0 трлн. сўм**), ўтган йилнинг мос даврига таққослаганда **2,8 трлн. сўмга** камайди.

Жорий йил 9 ой якунлари бўйича солиқ органлари томонидан маъмурийлаштирилладиган ҚҚС тушумлари **13,8 трлн. сўмни**, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,5 трлн. сўмга** камроқни ташкил этди.


Қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумларнинг камайишининг асосий сабаби солиқ ставкасининг 20 фоиздан 15 фоизгача тушурилиши (2019 йил 1 октябрдан) ҳисобланиб, коронавирус инфекциясининг тарқалишининг олдини олиш мақсадида карантин чекловларининг киритилиши натижасида жорий йилда тадбиркорлик субъектлари фаоллигининг сусайиши, шунингдек 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб асосий воситалар бўйича бир йўла ҳисобга олиш ҳуқуқини тақдим этган янги Солиқ кодексининг қабул қилиниши бўлди.

Шу билан бирга, қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар суммаси мазкур солиқ бўйича қоплаш суммаси миқдорига камаяди. 2020 йил 1 июлдан бошлаб қоплаш нафақат солиқнинг ноль даражали ставкасини қўллаётган, балки барча солиқ тўловчиларга нисбатан амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида солиқ тўловчиларга қоплаб берилган ҚҚС суммаси қарийб **4,5 трлн. сўмни** ташкил этиб (шу жумладан III чорақда **2,9 трлн. сўм**), ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **4,5 баравардан кўпга** ошди.

Йилнинг III чорағида иқтисодий фаолликнинг босқичма-босқич ошиши кузатилди ва бу II чорақ билан солиштирганда ҚҚС тушумларининг **1,9 трлн. сўмга** ошишига олиб келди.

Тушумларнинг ошишига тўловчилар сонининг кўпайиши ҳам таъсир қилди. Чунончи, 2020 йил 1 октябрь ҳолатига ҚҚС тўловчилар сони 105, 9 мингта субъектларни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 59,1 мингтага кўпроқни ташкил этди.



Жорий йилнинг 9 ойида, **божхона органлари томонидан маъмурийлаштирилдиган, ҚҚС бўйича тушумлар 13,0 трлн. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4,2 трлн. сўмга кўпроқни ташкил этди.**

Бунда жорий йилнинг III чорагида II чорак билан солиштирганда тушумлар **деярли 1,3 бараварга** ошди.

Шу билан бирга, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 февралдаги 76-сон қарорига мувофиқ қўлланадиган ҚҚС тўловини кечиктириб тўлаш (120 кун) суммаси **581,6 млрд. сўмни** ташкил қилди (муддатлар тугашини ҳисобга олганда).

### Акциз солиғи



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари учун акциз солиғи бўйича тушумлар **8,6 трлн. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,5 трлн. сўмга** ошди.

Жорий йилнинг III чорагида II чорак билан солиштирганда тушумлар **0,1 трлн. сўмга** ошди ва **2,8 трлн. сўмни** ташкил этди.

Қайд этиш жоизки, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 2020 йил 31 декабрга қадар айрим товарларни олиб киришда акциз солиғи ва божхона божи ставкалари ноль даражада белгиланган (**1 160 импорт қилувчи** корхоналар **455,5 млрд. сўмлик** умумий суммада фойдаланишган).

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020 йил 1 январь ҳолатига спирт, алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан вино ва пиво учун, шунингдек бензин, дизель ёқилғиси ва газни яқуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғининг амалдаги ставкалари жорий йилнинг охирига қадар сақлаб қолинди. Ушбу чорани қўллаш натижасида 2020 йил 1 октябрь ҳолатига **290 млрд. сўмга** яқин маблағлар бюджетга тушмай қолган.

### Фойда солиғи

Жорий йилнинг 9 ойида фойда солиғи бўйича тушумлар **19,4 трлн. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **8,8 трлн. сўмга** ошди.

Жорий йилнинг III чорагида II чорак билан солиштирганда фойда солиғи бўйича тушумлар **2,1 трлн. сўмга** ошди.

Бунда жорий йилнинг III чорагида II чорак билан солиштирганда тоғ-кон саноатига тегишли бўлмаган корхоналардан фойда солиғи бўйича тушумлар **1,1 баравар** ошиши кузатилди.

Шу билан бирга, жорий йилнинг 9 ойида тоғ-кон саноати корхоналаридан тушумлар суммаси тахминан **13 трлн. сўмни**, яъни фойда солиғи бўйича тушумлар умумий суммасининг **67** фоизини ташкил қилди. Бунда III чорақда II чорак билан солиштирганда мазкур солиқ бўйича тушумлар **1,8 трлн. сўмга кўпайди (1,5 баравар)**.

Жорий йилнинг III чорагида II чорак билан солиштирганда фойда солиғи бўйича тушумларнинг кўпайишига қимматбаҳо металллар нархининг ошиши, коронавирус инфекциясининг тарқалиши ҳолати яхшиланиши сабабли карантин чекловларининг юмшатилиши (тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг қайта тикланиши) таъсир қилди.

### Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи



Жорий йилнинг 9 ойида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумлар **11,0 трлн. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,5 трлн. сўмга** кўпайди.

Карантин чораларининг юмшатилиши сабабли хусусий секторда иқтисодий фаолликнинг ошиши жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушум динамикасига ижобий таъсир кўрсатди. Чунончи, жорий йилнинг II чоракига нисбатан III чорақда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушуми **54 млрд. сўмга** ошди.

Шунингдек, жорий йилнинг III чорагида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумларига коронавирус пандемияси даврида қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 июльдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6029-сонли Фармонининг қабул қилиниши таъсир қилди. Хусусан, ушбу Фармонга мувофиқ 2020 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабргача бўлган даврда жисмоний шахслар кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлари бўйича солиқдан озод қилиндилар.

### Иш ҳақи даражасининг динамикаси (2020 йил июль-август)

№	Иш ҳақи миқдори	2020 йил июль		2020 йил август	
		Солиқ тўловчилар сони	салмоғи	Солиқ тўловчилар сони	салмоғи
1	1 млн. сўмгача	1 989 023	48,3%	1 772 027	42,8%
2	1 млн. сўмдан 2 млн. сўмгача	1 015 554	24,6%	1 076 168	26,0%
3	2 млн. сўмдан 4 млн. сўмгача	669 834	16,3%	849 757	20,5%
4	4 млн. сўмдан 5,5 млн. сўмгача	189 027	4,6%	190 261	4,6%
5	5,5 млн.сўм ва ундан юқори	257 382	6,2%	249 233	6,0%
Жами		4 120 820		4 137 446	

### Айланмадан олинадиган солиқ

Жорий йилнинг 9 ойида айланмадан олинадиган солиқ бўйича тушумлар **981,4 млрд. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **191,2 млрд.сўмга** камайган.

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича тушумлар камайишига жорий йилда қабул қилинган карантин чоралари таъсир қилди.

Шу билан бирга, қуйидагилар ҳам тушумлар камайишига олиб келди:

- 19 мингдан ортиқ тўловчиларнинг йил якунлари бўйича айланма суммаси 1 млрд. сўмдан ошганлиги сабабли умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 июльдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини



камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6029-сонли Фармонининг қабул қилиниши. Унга мувофиқ 2020 йил 1 июльдан 2020 йил 31 декабргача бўлган даврда умумий овқатланиш ва биноларни ижарага беришга ихтисослашган корхоналар айланмадан олинадиган солиқдан озод қилинадилар.

Шу билан бирга, айланмадан олинадиган солиғидан тушадиган маблағ миқдори III чорақда жорий йилнинг II чорагига нисбатан 24 фоизга ошди. Бунга карантин чекловларининг юмшатилиши билан жорий йилнинг III чорагида иқтисодий фаолликнинг ўсиши сабаб бўлди.

### **Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи**

Жорий йилнинг 9 ойида ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича тушумларнинг умумий ҳажми **15,3 трлн.сўмни**, ўтган йилнинг мос даври тушумлари билан солиштирганда **1,1 трлн.сўмга** камроқни ташкил этди. Ресурс солиқларидан тушумларнинг асосий қисми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа тўғри келади.



Бунда, 2020 йилнинг 9 ойида **ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ** тушумлари 2019 йилнинг 9 ойи билан солиштирганда **1,4 трлн. сўмга** кўпайди ва **12,0 трлн. сўмни** ташкил этди. Тушумларнинг асосий қисми (деярли 75 %) давлат тоғ-кон саноати корхоналарига тўғри келади.

Ушбу солиқ бўйича қўшимча тушумлар жаҳон бозорида қимматбаҳо металлларга нархларнинг кўтарилиши ва мутлақ суммада белгиланган солиқ ставкаларини **15 фоизга** индексация қилиниши ва фойдали қазилмаларнинг айрим турлари учун солиқ солишни белгиланган ставкалардан келиб чиқиб, лекин қатъий белгиланган миқдорлардан кам бўлмаган миқдорда ўрнатилиши, шунингдек солиқ тўловчилар сони 356 та корхонага кўпайиши ҳисобига таъминланди.

Жорий йилнинг 9 ойида **мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ** бўйича тушумлар қуйидагилар ҳисобига таъминланди:

- ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини (1,15 бараварга) индексация қилиниши, алкоголь маҳсулотлари (пиво ва винодан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг ошиши;

- юридик шахслар томонидан солиқ солинадиган объектлар доирасини кенгайтириш ва улар бўйича мол-мулк солиғи (0,2 %) ва ер солиғининг (солиқ ставкаларига нисбатан 0,1 коэффициент) пасайтирилган ставкасини жорий қилинишини назарда тутувчи 2020 йилга солиқ қонунчилигининг ўзгартирилиши.

Бунда тушумлар жорий йилнинг 9 ойида 2019 йилнинг мос даврига нисбатан:

**мол-мулк солиғи бўйича 0,3 трлн. сўмга камайди ва 1,4 трлн. сўмни ташкил этди;**

**ер солиғи бўйича - деярли ўзгаришсиз қолди ва қарийб 1,6 трлн. сўмни ташкил этди;**

**сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича - 13,7 млрд. сўмга ошди ва 250,5 млрд. сўмни ташкил этди.**

III чорақда юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича тушумлар жорий йилнинг II чорағи билан солиштирганда **71,6 млрд. сўмга**, шу даврда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича эса **20,7 млрд. сўмга** ошди.



Бироқ, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича солиқ тушумлари жорий йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг мос даври тушумига нисбатан **246,6 млрд. сўмга**, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича эса **114,9 млрд. сўмга** камайди. Тушумлар пасайишининг асосий сабаби бўлиб коронавирус пандемияси пайтида (II ва III чорақларда) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан тадбиркорлик субъектларига қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилиши ҳисобланади, хусусан, мол-мулк ва ер солиғи бўйича:

тадбиркорлик субъектларга соддалаштирилган тизимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон ва 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон Фармонларда кўзда тутилган шартларда ушбу солиқлар бўйича тўлов



муддатларини фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этилди;

кичик бизнес субъектларига 2020 йил апрель ва май ойлари учун тўланадиган солиқларни тўлаш бўйича фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) берилган ушбу турдаги солиқлар бўйича суммалар ҳисобдан чиқарилди. Ҳисобдан чиқарилган умумий сумма 17 247 та кичик бизнес субъектлари бўйича **29,5 млрд. сўмни** ташкил этди;

айрим тадбиркорлик субъектларига жорий йил охирига қадар ушбу турдаги солиқларни тўлашдан озод қилиш тақдим этилди. Дастлабки маълумотларга кўра, ушбу имтиёздан 51 879 та солиқ тўловчи жами **636,6 млрд. сўм** миқдорида фойдаланилган.

Бундан ташқари, жорий йил 9 ойида юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича тушумлар 2019 йил мос давридаги тушумларга нисбатан 2019 йил феврилида бюджетга 2018 йил учун 5 фоиз ставка бўйича ҳисобланган жорий тўловларни ҳисобга олган ҳолда солиқнинг якуний суммаси киритилиши ҳисобига камайди. *(Маълумот учун: 2019 йил 1 январдан бошлаб юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 2 фоизга туширилди ва 2020 йил учун 2 фоиз даражасида сақланиб қолинди).*

### **Солиқдан ташқари тўловлар**

Ҳисобот даврида Давлат солиқ қўмитаси томонидан маъмурийлаштириладиган солиққа оид бўлмаган тўловлар **4,4 трлн. сўмни** ташкил этди, шундан давлат божи 0,8 трлн. сўм, жарималар 0,5 трлн. сўмни, йиғимлар - 0,8 трлн. сўмни, маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича фойдага қолган маҳсулотдаги давлат улуши - 0,3 трлн. сўмни, давлат улуши бўйича дивидендлар ва давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан тўловлар - 1,5 трлн. сўмни, бошқа тушумлар (давлат мулкани ижарага бериш ва бошқалар) 0,5 трлн. сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг 9 ойида давлат улуши бўйича дивидендлар (тоғ-кон корхоналаридан ташқари) тушуми **1,5 трлн. сўмни** ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1,4 трлн. сўмга** ошди.